



Алишер Навоийнинг газалларидан бирида шундай гап бор:

Дедим: назм ахлининг сархайли ким бўлгай, деди хотиф:

Навоий бўлгай, ул кимсен тилайдурсен агар бўлгай.

Ўша хотиф – гайбдан овоз бергувчи заррага ҳам адашмаган. Навоий хакикатда ҳам шоирларнинг сардори – барча давр туркий шеъриятининг султони эрур. Алишер Навоий шеърияти санъаткорликнинг буюк мактабигина эмас, хакикий мезони ҳамдир. Навоий ижод тажрибаларига таяниб адабиёт тараккиёти хакида мулохаза юритишимиз ёки “Шоир ким, унинг асосий хунари нима?” – деган сўрокка аник жавоб топмогимиз мумкин. Мен гоҳо Навоий яшаб ижод килган даврни ўзимча хаёлан тасаввур айлаб, Хазрат шеъриятининг ўқувчилари, мухлисларини бирма-бир кўз олдимга келтиришга уринаман. Улар кимлар? Энг аввало, шоирлар, ижодкорлар – Гўзаллик ва шеъриятнинг сир-асрорини ҳам, кадр-кимматини ҳам чуқур англай оладиган кишилар. Кейин илм ахли – Навоийга олимларнинг – шоири, шоирларнинг – олими деб караган, Навоийни илм-фаннинг толмас мухофизини, буюк маърифатпарвар ўларок эъзозлаган олиму уламолар. Яна бир тоифа: Навоий асарларида фалсафанинг энг мураккаб, энг долзарб муаммолари ҳам шеър тили ила бағоят гўзал тарзда талкин килинишига тан берган файласуфлар. Хуллас, Алишер Навоий шеърияти гулшанидан бахрамандлик кўнгили эҳтиёжи бўлиб колган мусаввирлар, муганнию хофизлар, давлат ва хокимият сохиблари, Хак йўлчилари – дарве, факир, ориф ва ошиқлар, мадраса талабалари, дин ва шариат вакиллари, косиблар, хунармандлар, дехконлар...

Эхтимол, бу кайдлар кимларгадир эриш туюлар. Лекин эриш туюлмаслиги керак. Оддий китобхонни кўя турайлик. Шоир – шоирнинг, ёзувчи – ёзувчининг ёзган нарсасини ўқимай кўйган замонда, ўқувчининг дид, савия ва ички талаблари деярли унутилган бир даврда, кўпчиликнинг Навоийга кизикиш сабаблари тўғрисида ўйласа асло зарар килмайди.

Дарвоқе, бундан бир неча йил аввал матбуотда “Навоий хослар шоири”, деган бир фикр айтилган эди. “Хослар” – алохида тоифа демак. Одатда ахли тасаввуфга хослар дейилади. “Аъхос” – хосларнинг хоси, “хос” – сараланган кишилар жамоаси ёки маъни эранлари, “авом” – саводсиз ёхуд саводи паст оддий халк, “аъом” – авом даражасига ҳам кўтарилмаганлар гуруҳи. Булар тасаввуфий истилохлар. Шунинг учун на тасаввуфий нуқтаи назардан, на илм, савия, маданият мезонига кўра Навоийни “хос лар шоири дейиш хакикатга мутлако мувофиқ келмайди. Навоий шохнинг ҳам, гадонинг ҳам, ошиқнинг ҳам, орифнинг ҳам – хамма-хамманинг шоири. Навоий шеъриятдан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва рухан ким нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуддир. Хатто золим ва жохил, нодон ва гумрох ҳам Навоий шеърларидан шифо топади. Чунки Навоий шеъриятида битта бош мақсад бор – комиллик. Битта сарбон туйғу мавжуд – комиллик туйғуси. Асосий биргина нур кайноғи бор – ишк.

Бўлмаса ишк икки жахон бўлмасин,
Икки жахон демаки, жон бўлмасин.

Нега? Негаки икки жахоннинг ҳам мазмун-мохияти ва саодати шу ишқу ошиқликдадир. Комиллик тўғрисида сўз юритилган айрим қадимий китобларни ўқиганда, комиллик макоми замин одамига насиб этмайдиган бир юксакликка ўхшаб туюлади. Тўғри, комил инсон мартабасини эгаллаш сермашаккат – риёзар ва назоратни талаб этадиган иш. Тасаввуфий мазмундаги комиллик шартлари янада огиррок. Лекин Навоий масалани мураккаблаштирамайди. Аксинча, ҳар қандай мураккаблик ва қийинчиликни осон ҳал қилиш йўл ёки усулларини кўрсатади. Шулардан бири, эҳтимолки биринчиси, комиллик даъвосини дилдан супуриб ташаб ноқисликка нигоҳни қаратиш, яъни ўз нуксонларининг мушоҳадасига қиришиш:

Ноқис улдириким ўзин қомил дегай,
Қомил улқим нуқсин исбот айлағай.
Ўз қамолидин демас аҳли қамол
Аҳли нуқсон иҷрадур бу қилу хол.
Сенқи нуқсон иҷра қомилсен, басе,
Олим айтиб ўзни, жоҳилсен, басе,

дейди шоир. “Нуқсон иҷра қомил”лик дегани нима? Бу – нафс панжасидан ҳалос этилмаган ўзлик. Навоийнинг қомиллик маслағи нафс ҳукмронлигидан бутунлай озод янғи бир руҳоний “Мен” салоҳияти ва қудратига асосланади. Инсоннинг имони ва виждонини ана шу “Мен” ўз тасарруфига олмағунча, у ҳеч қачон қомиллик завқига етиб қоролмайди. Хурлик, эзғулик, ҳақиқат тўғрисидаги иддаолар шунчаки қурук ғап бўлиб қолаверади. Шарқнинг буюқ шоирларидан бири “Оллоҳни жуда очик кўришни истасанг, “Мен”ни жуда очик кўришга ўрган”, деганда нафс учун “ўлган” руҳ учун ҳаёт бошлаган ўша янғи “Мен”ни эътиборда тутган. Навоий бир ғазалида:

Рух раҳмони эрур, нафс эру шайтони,

Иққисин бир-бирига қўшмоқ эмастур машрут,
дерқан, худди шу “мен” тақдири учун жавабғарликка қорлагандир. Инсон қисмати ва маънавиятида тасаввур этиб бўлмас ўзғариш, ғаройиб янғиланишлар иҷодқори бўлмиш ушбу “Мен” хусусида сўзлашимизнинг яна бир сабаби бор. Азизиддин Насафий “Қомил инсон” номли қитобида ёзади: “Билғилқи, қомил инсон қуйидаги тўрт нарсага муқамал шаклда эға бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси – яхши сўз, иққинчиси – эзғу фаолият, учинчиси – ғўзал ахлоқ, тўринчиси - илм”. Бу тўрт нарсага эришағ қиши қомил бўлиши мумкин, бироқ хурлик шавқини қўлга қирита олма сёқан. Сабаб? Чунқи у ҳали тарқ ва фано холининг мададига муҳтождир. Чунқи у яхши ахлоқ, яхши амал ва илмда нечоғлик илғарилаган бўлмасин, тўла маънода қўнғил тозалиғи ва осудалиғи, фориғлик ва холислиқни умр мазмуни даражасига қўтармоққа қодир эмасдир. Хўш, нима қилиш қерак? Фано “тажриба”сига таяниш, фано холидан нажот қутиш лозим. Навоий ғазалларидан бирида:

Дединг: “Фано тнедур?” Муҳтасар дейин: “Ўлмақ!”

Қи шархин тиласанг юз рисола бўлғусидир.

Бизда фано шарҳида бирор рисола ҳам йўқ. Шунинг учун ўша муҳтасар шарҳ: “Ўлмақ, йўқ бўлмақ”дан бошқасини деярли билмаймиз. Холбуқи, Навоий девонларидаги неча юзлаб байтлар, бутун бошли ғазаллар фано талқинига бағишланган. Мана, ўша байтлардан айрим намуналар:

Қирсанг фано тариқига девонавор қир,

Ул важҳидинки, ақл бу йўлда ақилдур.

ёки:

Фано майхонасида қил гадолиг,
Десангким, бўлмайин султонга мухтож.

Фано тариқининг бош талаби ва туб моҳиятини шундай шарҳлаш мумкин: инсоннинг ихтиёр ва иродаси – унинг сифатлари, бошқача айтганда, шахснинг сифатлари унинг ихтиёр ва иродасини ифода этади. Лекин ўзининг башарий иродаси билан у Ҳақдан ажралган. Яъни ирода ўртадаги хижоб. Демак, инсон ўз-ўзига ноқислик, ожизлик, қучсизликларини бутунлай енга олиш имкон ва иқтидорига эга эмас. У фоний нарсадан кечиб, боқийга эришмоғи лозим. Ҳақ иродаси ҳам азалий, ҳам қудратлидир. Илохий ирода эгаси бўлиш эса, юқорида айтганимиз, одамнинг барча махлуқотлардан буюқлиги ва устунлигини намоёниш этадиган қудратли “Мен”нинг тугилишидир. Шунинг учун ҳам Навоий:

Дема жоме фано ичра эзилмиштур ажал захри,
Навоий, жон бериб, ул жомни чекмақдур армоним, –
деб ёзган.

Маълумки, қомил инсон тушунчасини тасаввуфга биринчи бўлиб Муҳиддин Ибн Арабий олиб қирган ва назарий жиҳатдан асослаб ҳам берган. Унингча, “Инсон қомилдан юқори муқамал бир мавжудлик йўқдир. Бу дунёда, инсонлар орасида қомолга етишмаганлар хайвони нотик – улар фақат сувратда инсондирлар, ҳолос”. Бу фикрлар беихтиёр Навоий бобомизнинг бир китъаларини хотирга келтиради:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолигдин.
Қим буларга гадолиг ортиқдир,
Аҳли суратга подшоҳлигдин.

Демак, “аҳли маъни” қомил инсонлар, “аҳли сурат” қомиллик насиб қилмаган қимсалар. Навоий шеърини қомиллик фазилати ва ҳақиқатларининг мислсиз бир бадиий қомуси. Биз энди унга мутлақо бошқача қараб, мутафакқир бобомизнинг шеър ва қомилларини қуқур ва ҳаққоний ўқиб-ўзлаштирмоғимиз зарур.